

**ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМ  
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА  
МАЪЛУМОТ**

*(2022 йил январь-июнь)*

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА**

Халқаро талаблар билан уйғунлашган 17 мингта стандарт қабул қилиниб, уларнинг сони 19,5 мингтага етказилган(80,4 %).

*Маълумот учун: қурилиш соҳасида (2 264 та), металлургия (833 та), тўқимачилик ва чарм (638 та), ахборот технологиялари ва телекоммуникация(1 124 та), нефть ва газ (1 354 та), электротехника (1 467 та), кимё технологиялари (1 374 та), озиқ-овқат саноати (2 154 та) ва бошқа соҳаларда (5 224 та) стандарт халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган.*

**СТАНДАРТЛАР ВА ЎЛЧОВЛАР ЯГОНА БИРЛИҚДА БЎЛИШНИ  
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СОҲАСИДА**

Ҳисобот даврида 147 та тадбиркорлик субъектида техник жиҳатдан тартибга солиш стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун талабларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича давлат назорати ўтказилган.

Шунингдек, хавф-тахлили асосида ахборот дастурларидан олинган маълумотларга мувофиқ ҳудудлардаги 33 та давлат ташкилотларида давлат назорати ўтказилиб, 33 нафар масъул шахсга нисбатан мамурий жарима қўлланилган.

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида 7551 та корхонада профилактика тадбирлари ўтказилган. Натижада 1 498 та корхона 2 548 та стандарт ва техник регламент билан таъминланган, 926 та корхонанинг 12 930 та ўлчаш воситалари давлат қиёслов кўригидан ўтказилган ҳамда 479 та корхонага сертификатлаштириш ишларида амалий ёрдам кўрсатилган.

Профилактика тадбирлари давомида ўрганилган корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари соҳага оид барча қонун ва қарорлар билан таништирилган.

**ЎЛЧАШЛАР ЯГОНАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА**

Жорий йил январь-июнь ҳолатига 258 043 дона ўлчаш воситалари (шулардан 2 926 дона ўлчаш воситаси яроқсиз деб топилган) метрологик текширувдан ўтказилган.

Кўрсатилган метрологик хизматлардан 222 544 дона қиёслаш, 27 102 дона аттестация ва 8 397 дона калибрлаш ишларини ташкил этади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг 64 570 та мурожаатларига асосан электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (*ҳисоблагичларни*) қиёслаш ишлари амалга оширилган.

Ўлчаш воситаларининг метрологик текшируви натижаларива тасдиқланган турини тан олиш бўйича 28 дона сертификатлари расмийлаштирилган.

### **МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ СОҲАСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаштириш тизимида январь-июнь ойларида 66 019 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган, шундан, 591 та мувофиқлик сертификати 1 календарь йилига шартнома асосида расмийлаштирилган, серияли ишлаб чиқаришга 3 551 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган.

### **МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ СОҲАСИДА**

Жорий йил январь-июнь ҳолатига 408 та корхонада сифат менежмент тизимлари бўйича 694 та сертификатлар расмийлаштирилган, шундан:

244 та корхона сифат менежмент тизимлари (ИСО 9001);

199 та корхона экологик менежмент тизимлари бўйича (ИСО 14001);

33 та корхона озиқ-овқат ҳавфсизлиги менежмент тизимлари (ИСО 22000);

5 та корхона энергетик менежмент тизимлари (ИСО 50001);

143 та корхона касб-хунар, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик менежмент

(ИСО 45001) ва бошқа 165 та менежмент тизимлари.

Сифат менежмент тизимлари бўйича сертификатлаштириш 16 та аккредитланган органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 12 та корхонада “ОЕКО-ТЕХ” халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

### **ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА**

Халқаро Электротехника Комиссиясининг (IEC) жорий йил 29 мартдаги тегишли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси IEC халқаро ташкилотига 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб ассоциялашган аъзо сифатида қабул қилинган.

Соҳада давлат ва хусусий секторда фаолият кўрсатаётган 350 та мутахассис билим ва малакаси оширилган.

Жумладан, “Миллий сифат инфратузилмасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш” грант лойиҳаси доирасида ISO 37001:2016 стандарти бўйича 108 та;

Европа Комиссиясининг Техник ёрдам ва ахборот алмашуви (TAIEX) воситаси грант лойиҳаси доирасида 100 та;

Халқаро Электротехника Комиссияси (IEC)нинг “The Affiliate Country Programme” грант лойиҳаси доирасида 10 та;

Ислом мамлакатлари стандартлари ва метрология институти (SMIC) грант лойиҳаси доирасида 3 та;

Турк стандартлари институти ҳамкорлигида 60 та;

Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TICA) грант лойиҳаси доирасида 75 та.

Тадбирларга хорижий экспертлар Манфред Кайндлер (Германия), Морин Логге (Бельгия), Сперанта Стомфф ва Андрейа Йорга (Руминия), Даниэла Миланова Горчева (Болгария) жалб этилган.

Ўзбекистондаги Америка савдо палатаси ҳамкорлиги ва “Mars Wrigley”, “Nestle”, “Coca-Cola” компаниялари, Украина Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Украина Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат хизмати, “Укркондпром” уюшмаси вакиллари иштирокида онлайн учрашув ташкил этилган.

Халқаро ҳамкорлик доирасида АҚШнинг ASTM International ташкилотидан нефт-газ соҳасига оид 19 та, Европа Стандартлаштириш Ташкилоти (CEN-CENELEC) қурилиш ва электротехникага оид 200 та стандартлар олинган.

Турк Стандартлари Институти (TSE), Қозоғистон техник жихатдан тартибга солиш ва метрология қўмитаси, Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси ва германиялик ишбилармонлар билан соҳани ривожаланишига оид учрашувлар ўтказилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро Кенгашининг (Кенгаш) навбатдаги 61-йиғилишида илк бор Ўзбекистоннинг “Indorama Kokand Textile” ва “AGROMIR” корхоналари маҳсулот ва хизматлар сифати соҳасида эришилган ютуқлари учун МДХ Мукофоти билан тақдирланган.

“Quality Farm” ҳамда “Medical manufacture center” корхоналарига халқаро ISO 13485 ва Европанинг “CE” Маркировкаси, Global Food Exclusive корхонасига “SMIC” халқаро сертификатлари топширилган.

## **МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШИШ СОҲАСИДА**

Ҳисобот даврида “Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси” томонидан корхоналарга 995 та, шундан стандартлаштириш 391 та, метрология 44 та, сертификатлаштириш 184 та, қадоқлаш ҳамда ёрлиқлаш 76 та, сифат менежмент тизимлари масалалари 201 та ва бошқа масалаларда 99 та консултатив хизматлар кўрсатилган.

87 мартаба семинар-тренинглари, 27 та телевидениеда чиқишлар, газета ва журналларда 24 та мақолалар чоп этилган.

Шу билан бир қаторда, ҳудудларда жойлашган 160 та тумандаги 773 та корхонанинг 81 турдаги маҳсулотларини дунёнинг 29 та мамлакатларига экспорт қилинишида амалий ёрдамлар кўрсатилган.